

Куръони Карим Аллох томонидан Пайгамбаримиз Мухаммад (алайхиссалом)га 23 йил — рисолат даври (610 — 632 йиллар)да нозил килинган илохий Китоб бўлиб, у 114 сура, 6210 оят, 77434 сўздан таркиб топган.1.

Машхур фикхшунос олим Мухаммад Юсуф Мусонинг кўрсатишича, фикхий-хукукий масалалар бўйича Куръонда куйидаги сохаларда оятлар мавжуд:

1. Хаккуллох (амалий ибодатлар) бўйича — 140 оят;
2. Шахсий ҳуқук (оила, талок, васият ва бошка) бўйича — 70 оят;
3. Муомала ёки фуқаролик ҳуқуқи (олди-сотди, ижара, гаров, карз, ширкат ва бошқалар) бўйича — 70 оят;
4. Жиноят ва жазо бўйича — 30 оят;
5. Суд, суд жараёни, гувоҳлик ва унга боғлиқ бўлган масалалар бўйича — 20 оят.2.
6. Давлат ҳуқуқи соҳасида — 3 оят. 3. хаммаси бўлиб, Куръонда — 333 та ҳуқуқий оят бор.

Куръоннинг бошка илохий китоблардан асосий фарқи шундан иборатки, у факатгина ақийдавий-гоявий манба эмас, балки конун ва ахлоқ ҳамдир. Машхур файласуф ибн Рушднинг (ваф. 595 х.й) фикрича, бу Куръоннинг буюк мўъжизаси ҳисобланади.4. Демак, Куръони Карим диний ва эътиқодий масалалар билан бир каторда, ҳуқуқнинг барча сохаларини ўзида ақс эттиради. Жиноят ҳуқуқи ҳам шулар жумласидандир. Куръони Каримда кўплаб жиноятлар ҳақида сўз юритилган бўлиб, уларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин.5:

1. Аниқ жазо белгиланган жиноятлар.
2. Аниқ жазо белгиланмаган жиноятлар.

Аниқ жазо белгиланган жиноятлар:

Зино. Инсоният наслини саклаш, турли огир касалликларнинг олдини олиш ва одамларни хайвонлардан фарқли тарзда яшашларини таъминлаш мақсадида Исломи динида никоҳсиз жинсий яқинлик қилиш кескин қораланиб, унга нисбатан қўлланадиган аниқ жазо қоралари Куръони Каримда белгиланган: «Зинокор аёл ва зинокор эркекнинг ҳар бирига юз дарра урингиз! Агар Аллоҳга ва охирага қўнига иймон келтирувчи бўлсангиз, Аллоҳнинг дини (ҳукми)да сизларни уларга (зинокорларга) нисбатан раҳм-шафқат (туйгулари) тутмасин! Уларнинг жазоланишига бир гуруҳ мўминлар ҳозир бўлсин!» (Нур, 2) 6.

Юз дарра уриш жазоси уйланмаган эркек ва турмушга чиқмаган аёл учундир. Суранинг шу жойидаги уйланган эркек ва турмушдаги аёлга бериладиган жазо ҳукмига доир оят матни Куръондан Пайгамбаримиз амри билан олиб ташланган. Демак, мазкур оятнинг қироати мансук, ҳукми боқийдир. 8.

Юқоридаги оятнинг ҳукми бўйдок ёки тул, бева (яъни оиласиз) зинокорларнинг жазосидир. Изоҳда келтириладики, агар оилали эркек ва хотинлар зинокорлик қилсалар, уларнинг жазолари тошбўрон қилиб ўлдирилмоқдир.9.

Тухмат. Хар бир замонда ёмон ниятли фосик одамлар мавжуд бўлган. Жамиятдаги баркарорликни саклаб қолиш мақсадида ёмон ниятли кимсаларнинг ўйлаб топган уйдирмалари бирор-бир покиза аёлни бадном қилиш ниятида бўлса, бу қилмиш тухмат сифатида белгиланиб, уларга нисбатан аниқ белгилаб берилган жазо чораларини қўллаш ҳам Куръони Каримда кўрсатилган.10: «Ифбатли аёлларни (зинокор деб) ҳақоратлаган, сўнгра (бу даъволарига) тўртта гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон даррадан урингиз ва абадул-абад уларнинг гувоҳликларини қабул қилмангиз! Ана ўшалар фосик кишилардир» (Нур, 4)».

Бу ояти каримада инсон кадр-қиммати ва шаънининг нақадар устун эканлиги баён этилган. Хаттоки, ўша номақбул ишни бир киши кўрган тақдирда ҳам, зинокорларнинг айбини бўйнига қўйиш жуда мушкул иш. Чунки бир кишининг кўрсатмаси бирор-бир кишини зинокор деб ҳисоблаш учун асос бўла олмайдди. Бу ҳолат Ислом шариаатидаги айбсизлик презумпцияси деб баҳоланса, муболага бўлмайди.

Ўғрилик. Инсоннинг кадр-қиммати, соғлиги ва мулкига қаратилган жиноятлар хар қандай замонда, хар қандай ҳуқуқ тизимида жиноят деб ҳисобланган. Шундай экан, Ислом динида ҳам бировнинг мулкига қаратилган жиноятлар оғир жиноятлар сирасига киритилиб, жамиятда бундай ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида маълум даражадаги жазо Куръони Каримда белгилаб қўйилган: «Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг қилмишларига яраша жазо ва Аллохдан (берилган) азоб сифатида қўлларини кесингиз! Аллох қудрат ва ҳикмат эгасидир» (Моида, 38).12.

Шариаатда бу жазо учун белгиланган молнинг миқдори — 10 дирхамлик пул-буюм ёки шунча баҳоланувчи бошқа матоҳ бўлиб, уни ўғирлаган шахс балагат ёшига етган бўлиши, ўғирланган нарса аниқ бировнинг мулки бўлиб, уни қўчадан эмас, сакланадиган жойидан маҳфий равишда олган бўлиши шарт. Шу шартлар муқамал бўлгандан кейин ўғрининг ўзи иқроқ бўлиб, гуноҳини тан олса ёки уни инкор қилган тақдирда икки киши гувоҳлик берсагина, мазкур жазонинг ижро этилиши белгиланган.13.

Диндан қайтиш, исён. «Дарҳақиқат, Аллох ва Унинг Пайгамбарига қарши жанг қиладиган ва Ер юзида бузгунчилик қилиб юривчиларнинг жазоси — ўлдирилиш ё чормихланиш ёки оёқ-қўлларининг қарама-қарши томондан кесилиши ёхуд ердан (ватандан) қувгин қилинишдир. Ана шу (жазо) улар учун бу дунёда шармандалиқ ва охиратда улар учун улкан азоб (ҳам бор)дир» (Моида, 33)14.

Бу оят нозил бўлишининг сабаби Имом ал-Бухорий ривоят қилган ҳадисда айтилганидек, Уқл ва Урайна қабилаларидан бир гуруҳ одамлар Мадинага келиб, Расулulloх ҳузурда ёлгондан иймон келтирадилар. Сўнгра Мадинанинг об-ҳавоси ёкмай, қорин оғрик қасалига учраганларини айтгач, Расулulloх шаҳар ташқарисига чиқиб, ўзлари учун садақага қелган туяларнинг сундан ичишга руҳсат берганларида, улар бориб туяқаш чўпонни ўлдириб, туяларни ҳайдаб олиб кетадилар. Диндан қайтган бу мунофиқлар ордан бир гуруҳ мусулмонларни юбориб, уларга жазо беришни буюрадилар. Бориб уларнинг қўл-оёқларини кесиб, қўзларини ҳам ўйиб, қалажон холларида шаҳардан ташқаридаги Харра деган жойда қолдириб кетадилар. Расул (алайҳиссалом) қўз ўйиш, қулоқ ва бурунни кесиш қаби қийноқларни таъқиқлаб, садақа ва эҳсон беришга тарғиб

этдилар.15.

Демак, келтирилган ояти каримада ер юзидаги бузгунчилик килиб юрадиган кимсалар Аллох ва унинг расулига карши урушадиган кимсалар билан тенглаштирилиб, уларга аник жазо чораларини кўллаш билан бу жиноятнинг Аллох наздида канчалик огир эканлигига ишорат бордир. Аллохга ва унинг Расулига карши борадиган кимсалар факат золим кофирлардир. Ер юзида бузгунчилик килиб, исён кўгарадиган инсонлар Аллох наздида ана ўша золим кофирлар билан тенг бўлиб, улар учун огир жазо чораларини кўллаш белгилаб кўйилган. Ояти каримада жиноятчига мазкур бир неча жазо чораларидан бирини кўллаш мумкинлиги баён этилган.

Одам ўлдириш. Инсонга хаёт Аллох томонидан берилган неъматдир. Бировнинг хаётига зомин бўлиш, яъни одам ўлдириш инсонлар ҳуқуқ тушунчасини идрок эта бошлаганларидан бери жиноят сифатида тавсифланади. Лекин бу жиноятга жазо белгилаш турли даврларда турлича бўлганини кўриш мумкин. Куръон нозил бўлишидан аввалги даврларда кўрилган жазолардан фаркли ўларок, Куръони Каримда бу жиноят учун куйидагича жазо тайинланган: «Эй, иймон келтирганлар! Сизларга ўлдирилган кишилар учун касос (олиш) фарз килинди: озод киши муқобилига озод кишидан, кул учун кулдан, аёл киши учун аёлдан. Биродари томонидан афв этилса (хун тўлашга рози бўлинса), у холда яхшилик билан бўйсунуш ва хунини яхшилаб тўлаш (зарурдир). Бу (ҳукм) Роббингиз томонидан енгиллик ва марҳаматдир. Бас, кимки шундан кейин ҳам хаддидан ошса, унга аламли азоб (берилур)» (Бакара, 178)16.

Шайх Абдулазиз Мансур ушбу оятнинг маъноларини куйидагича тафсир этадилар: Яъни енгиллик ва илохий марҳаматлардан кейин ҳам, котил ва бошқалардан ўч олса ёки хун олгандан кейин ҳам касос олса, охираат азобига маҳкумдир.

Шофеий мазхаби бўйича кулнинг эвазига хур кишидан касос олинмайди. Ханафий мазхаби бўйича эса касосда хур билан кулнинг фарқи йўқ. Моида сурасининг 45-оятдаги «жонга-жон» жумласи бунга далилдир. Шунингдек, бир тўда кишилар бир кишини ноҳақ катл қилса, унинг касоси учун тўданинг ҳаммаси катлга маҳкумдир.17.

Юкорида эслатиб ўгганимиздек, Аллох бандасининг ҳаққини ўзи кечиб юбормайди. Шунинг учун ҳам у касос олишга адолатли тарзда изн беради. Лекин ояти кариманинг давомида касос олиб, бировнинг конини тўқиш ўрнига (бунга банданинг ҳаққи бўлса ҳам) котилни афв қилиб, товон олишга даъват борлигини кўриш мумкин. Бу оят ҳам банданинг ҳаққи накадар муҳимлигини кўрсатади. Банда ўз ҳаққидан факатгина ўзи кечиши мумкин. Бу шариатдаги адолат ва жиноятчиликка карши курашнинг бир кўринишидир.

Қасддан тан жароҳат етказиш. «Биз унда (Тавротда) уларга жонга-жон, кўзга-кўз, бурунга-бурун, кулокка-кулок, тишга-тиш ва жароҳатларга касос (олинур) деб, битиб кўйдик. Кимки у (касос)ни садақа қилиб (кечиб) юборса, у (гуноҳларига) каффоратдир. Аллох нозил этган (оятлар) билан ҳукм қилмайдиганлар – ана ўшалар золимлардир» (Моида, 45)18.

Оятдаги каффорат сўзи эваз, бадал, афв каби маъноларни англатади. Демак, жабр

кўрган банда жиноят учун касос олмай, уни кечиб юборса, қилган гунохларига афв ато этилар экан.

Бизга маълумки, Куръон ўзидан аввал нозил қилинган илохий китобларни тасдиқлайди. Таврот ҳам шулар жумласидандир. Аллох таоло бу оятда яҳудийларга улар учун нозил қилинган Тавротда касддан етказилган тан жарохатлар учун касос олиниши кўрсатиб берилганини эслатиб ўтади. Оятнинг давомида касосни кечиб юборган банданинг гунохлари ҳам ўчирилиши ёзиб қўйилган. Модомики Аллох яҳудийларга нозил қилган ҳукмларни Куръон орқали тасдиқладими, айтиш мумкинки, улар ҳақ ҳукмлардир. Шундай қилиб, Куръон оятларида юқорида санаб ўтилган ижтимоий ҳавфли қилмишлар учун аниқ жазо чоралари белгилаб қўйилган.

Аниқ жазо белгиланмаган жиноятлар:

Куръони Каримда, гарчи жазо белгиланмаган бўлса-да, лекин ҳар қандай ман этилган хатти-ҳаракатни амалга ошириш жиноят ҳисобланади.19. Уларга қуйидаги оятларни мисол қилиб келтирсак бўлади: «Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз! Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўли билан ейиш (ўзлаштириш) мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз!» (Бақара, 188)20.

Ҳадиси шарифда шундай дейилади: «Мен ҳам бир инсонман. Менинг ҳузуримга ҳақ таллашиб, даъво билан келиб турасизлар. Сўзга усталик қилиб, ноҳақлик билан ўзгалар ҳақини ўзлаштириб олсангиз, билиб қўйингки, ўша нарса дўзахнинг бир чўғидир. Хохлаган уни олсин, хохламаган олмасин».21.

Юқоридаги оят мазмунида ўзганинг мол-мулкни ўзлаштириш ва пора бериш каби жиноятлар тақиқланмоқда. Шунингдек, Куръони Каримда судхўрлик.22 (Бақара, 276 — 278; Оли-Имрон, 130), била туриб ёлгон гувоҳлик бериш ёки кўрсатма беришдан бош тортиш.23 (Бақара, 282; Нисо, 135), маст қилувчи ичимликларни ичиш.24 (Бақара, 119; Нисо, 43; Моида, 90), кимор ўйнаш, фол очиш, бутларга сигиниш, ўзгалар ҳақида ёмон гумон қилиш, бировнинг айбини топиш учун жосуслик қилиш, гийбат.25 (Хужурот, 12) , харидор ва буюртмачини алдаш, савдо қоидаларини бузиш.26 (ал-Исро, 35) каби қилмишлар жиноят деб тавсифланиб улардан қайтарилгандир.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, шариатнинг жиноят ва жазо билан боглик қоидаларини ўрганиш нафакат илмий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Мамлакатимизда инсонпарварлик, адолат, қонунийлик, халқчиллик тамойилларини ўзида мужассамлаштирган қонунларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнида маънавиятимизнинг асосини ташкил этадиган Ислом меросидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Нигора ХАКИМОВА, Тошкент Ислом университети, тадқиқотчи

- 1 А.Ш.Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ханафий мазхаби ва Ўрта Осиё факихлари. — Т.: Тошкент Ислом университети, 2002. —Б. 63.
- 2 Абдулвахоб Халлоф. Илму усули-л-фикх ва хулосату-ташриъи-л-исломий. — Кохира, 1950. — Б.293.
- 3 А.Ш.Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ханафий мазхаби ва Ўрта Осиё факихлари. — Т.: Тошкент ислом университети, 2002. — Б.65.
- 4 Шайх Мухаммад Хузарийбек. Тариху-т-ташриъи-л-исламий. — Б.24.
- 5 Каранг: М. Ражабова. Шариатда жиноят ва жазо. —Т.: Адолат, 1996. —Б.26.
- 6 А. Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. — Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. — Б.350.
- 7 Гарчи ушбу оятни ўқиш бекор килиниб, Куръони Каримдан олиб ташланган бўлса-да, лекин унинг ҳукми амалда сақланиб қолган.
- 8 А. Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. — Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. — Б.350.
- 9 Каранг: Алоуддин Мансур. Куръони Карим ўзбекча изоҳли таржима. —Т.: Чўлпон, 1992. — Б.250.
- 10 Факат бирор-бир аёлни зинода айблаб, исбот тарикасида тўрт нафар гувоҳ келтира олмаган кишигина оятда кўрсатилган тартибда жазоланган.
11. А. Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. — Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. — Б.350.
- 12 Мазкур нашр. — Б. 114.
- 13 Мазкур нашр. — Б. 114.
- 14 Мазкур нашр. —Б.113.
- 15 Ал-Бухорий. Хадис. («Ал-Жомийъ ас-сахих»), 4-жилд. —Т.: «Комуслар бош тахририяти», 1992. —Б.296.
- 16 А. Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. — Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. — Б.27.
- 17 Мазкур нашр. — Б.27.
- 18 Мазкур нашр. —Б. 115.
- 19 Каранг: А. Уда. Ат-Ташриъу-л-жиноийу-л-исломий. 1-жилд—Байрут.: «Дору ихёу-т-туроси-л-арабий», 1985.
- 20 А. Мансур. Куръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. — Т.: «Тошкент Ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. — Б.29.
- 21 Мазкур нашр. — Б.29.
- 22 Мазкур нашр. — Б.47, 66.
- 23 Мазкур нашр. —Б.48, 100.
- 24 Мазкур нашр. —Б. 123.